

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПИРМАНОВА ГАВХАР НАЗАРКУЛОВНА**

**АНГЛИЯ БАДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ  
СИФАТИДА**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 37.016:811.111:821.111(072)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Пирманова Гавхар Назаркуловна**

Англия бадий меросини ўрганиш талабаларнинг инглиз тилига  
қизиқишини ошириш воситаси сифатида..... 5

**Пирманова Гавхар Назаркуловна**

Изучение студентами художественного наследия Англии как средство  
активизации интереса к английскому языку ..... 21

**Pirmanova Gavxar Nazarkulovna**

Studying by students of England art heritage as means of activization  
of interest in English ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПИРМАНОВА ГАВХАР НАЗАРКУЛОВНА**

**АНГЛИЯ БАДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ  
СИФАТИДА**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аннамуратова Светлана Каримовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Мэлс Хасанович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Лайло Толибжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz))

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.А.Файзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.Ш.Шодиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда маданий, таълимий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишга бўлган талаб чет тилларини ўрганишга бўлган эътиборни кучайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда чет тилларини ўрганиш даражаларини аниқлашнинг халқаро стандартларини (IELTS, TOEFL, DSD, DELF каби) жорий этилиши, очик таълим тизимлари имкониятларининг ортиб бориши, турли давлатлар ўртасида таълим соҳасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик бошқа халқлар тилларини ўрганишнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дунёда чет тилларини ўқитиш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқот йўналишлари ўрганилаётган тилнинг бадиий мероси, умумбашарий кадриятлари, шахслараро мулоқот маданияти, анъаналарига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим олувчиларнинг ёши, қизиқишлари, интилишлари, психо-физиологик имкониятлари инобатга олинган замонавий педагогик ёндашувлар, илғор методлар ва электрон дастурий маҳсулотлар тузилмасига оид илмий ишланмалардаги ўқитиш мазмунининг асосини турли халқлар бадиий меросидан мақсадли фойдаланиш тенденцияси ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан модернизациялаш, узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги ислохотлар чет тилларини биринчи синфдан бошлаб ўқитишни йўлга қўйиш, мазкур тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш механизмларини жорий этиш имкониятларини оширди. Шу билан бирга инглиз тилининг дунёда мулоқот ва ахборот соҳасидаги етакчилигидан келиб чиқиб, талабаларнинг тилга бўлган қизиқишларини оширишда англия бадиий меросидан кенг фойдаланиш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада олий таълим муассасалари талабаларида Англия бадиий меросини ўрганиш орқали компетенцияларини ривожлантириш йўллари, психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаш, уларда Англия маданиятига бўлган қизиқишни ошириш шартларини тавсифлаш, аудиториядан ташқари машғулотлар дастури ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

«Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарорлари, мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Талабаларни чет тилига ўргатишда коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш, уларни ўқув жараёнида самарали мулоқот технологиялари ва техникасига тайёрлашнинг илмий-педагогик ва амалий технологик жиҳатлари педагог олимлар Ж.Бўронов, М.Абдуллаева, А.Нурмановлар томонидан ишлаб чиқилган.

Чет тиллар филологияси ва ўқитиш методикаси соҳаларида чет тилларни ўқитиш концепциясини яратиш, узлуксиз таълим тизимида чет тилларга ўргатишнинг лингвометодик асосларини такомиллаштириш ишларига мамлакатимиз олимлари: жумладан Г.Алиев, М.Бушуй, Ж.Жалолов, Л.Ахмедова кабилар катта ҳисса қўшган.

С.Аннамуратова, С.Файзуллина, И.Стиркас, Ф.Ибрагимова каби олимларнинг ишларида турли ўқув-тарбия мақсадларини кўзлаган ҳолда, бадиий кадрият муаммолари ўрганилган. Уларда ўқишга, жумладан, инглиз тилини ўрганишга қизиқишни фаоллаштириш воситаси сифатида маданий меросни бадиий идрок этиш масалалари тадқиқ этилган.

МДХ олимлари М.Каган, Л.Коган, П.Якобсон, М.Ариан, М.Бурдина, Н.Гальская, Е.Верещачинлар бўлажак чет тили ўқитувчиларида Англия маданиятига, шу жумладан санъат асарларини бадиий кадрият сифатида қарашнинг фалсафий, маданий, психологик ва ижтимоий-педагогик аспектларини тадқиқ этганлар.

Чет тилларни ўргатиш жараёнида маданиятшунослик ва мамлакатшунослик масалалари В.Ошчепкова, В.Сафонов ва бошқалар томонидан мукамал ўрганилган. Т.Гильманова ва П.Бакланов, Б.Лихачев, Э.Квятковский, Е. Верещачин, Г.Томахин, В.Костомаров каби олимларнинг илмий ишларида чет тилларни ўрганиш жараёнида талабалар фаоллигини оширишнинг бадиий аспектлари ёритиб берилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда Англиянинг айрим маданий кадриятларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган.

Хориж олимлари М.Вайсбург, Ш.Жюльен, М.Верб каби олимларнинг ишларида гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида бадиий материаллардан, хусусан, уларнинг эстетик имкониятларидан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

Юқоридаги илмий ишлар таҳлили олий таълим муассасаларида Англия бадий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганиш масаласи махсус тадқиқот предмети сифатида танланмаганлигини кўрсатди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режаси ва Тошкент давлат педагогика университетининг 561624-ЕРР-1-2015 "Ўзбекистон олий таълим соҳасида ўқитишни модернизациялаш ва интернационализациялаш жараёнлари" (2015-2017 й.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Англия бадий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий ва хорижий педагогика фани ҳамда педагогика олий таълим муассасалари амалиёти мисолида муаммонинг ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларида Англия бадий меросини ўрганиш орқали билим ўзлаштиришнинг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонларини аниқлаш;

талабаларнинг тил компетенцияларини ривожлантириш йўллари, психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаш, уларда инглиз халқи бадий меросини ўрганиш орқали Англия маданиятига бўлган қизиқишни ошириш шартларини тавсифлаш, шу йўналишда педагогик тизим ва унинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг Англия бадий меросини ўрганишларига қаратилган аудиториядан ташқари машғулотлар дастурини ишлаб чиқиш, асослаш ва тажриба-синовдан ўтказиш;

талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини оширишга мўлжалланган Англия бадий меросини ўрганиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университетида Англия бадий мероси асосида инглиз тилини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 300 нафар талабалар жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Англия бадий мероси – тасвирий санъат асарлари (XVIII -XIX асрнинг биринчи ярмида Маърифат ва Уйғониш даври) орқали талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга нисбатан қизиқишларини фаоллаштириш мазмуни, мезонлари ва ташкилий-технологик тизими.

**Тадқиқотнинг усуллари:** муаммога оид фалсафий, социологик, педагогик ва психологик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш; ДТС, ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни ўрганиш; ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўров, тест) ва

педагогик тажриба-синов; мониторинг; натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини Англия бадиий меросидан фойдаланиш орқали ошириш босқичлари (когнитив, технологик-фаолиятли, лингвистик-коммуникатив, рефлексив) инглиз бадиий маданияти (тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик тавсифи) ривожланиш тенденцияларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

Англия бадиий меросини ўрганишга қаратилган педагогик тизим (мотивацион, луғавий-ахборот, тизимли топшириқлар, ижодий иш, коммуникацион фаолият, матн ёзиш ва таржима каби) маданий эҳтиёж компонентлари (талаб, таҳлил, ривожлантириш, ижодкорлик) асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўқитишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари Англия бадиий меросини ўрганиш бўйича аудиториядан ташқари “Англиянинг бадиий мероси” махсус курс мазмунини (ўқув дастури, малакавий талаблар, баҳолаш параметрлари) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

Англия бадиий меросини ўрганиш мезонлари (луғавий-тушунчавий, билиш, бадиий идрок этиш, ифодалаш, амалий тажриба, ижтимоийлашув) асосида талабаларнинг инглиз тилига бўлган онгли қизиқиши ва коммуникатив фаолиятини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Аудиториядан ташқари машғулотлар ўтказишга мўлжалланган муаллифлик Дастури талабаларнинг дидактик тайёргарлигини оширишга ва уни Англиянинг бадиий меросини ўрганиш жараёнига жорий этишга хизмат қилмоқда;

Ишлаб чиқилган аудиториядан ташқари машғулотлар Англиянинг бадиий меросини ёритишга ва ОТМ педагогик жараёнига жорий этилмоқда;

Англия бадиий меросидан тасвирий санъат асарларини таҳлил этишга қаратилган: синтез - таҳлил - синтез - тушуниш - муносабат - таърифлаш - баҳолаш - акс эттиришнинг технологик алгоритми ишлаб чиқилди;

Англия бадиий меросини ўрганиш орқали талабаларнинг инглиз тилига бўлган қизиқишини ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича “Инглиз тили ўқитувчилари учун тавсиялар” номли услубий қўлланма ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:**

Тадқиқот натижаларини аниқлиги, шунингдек, методологик асослари ва тадқиқотнинг назарий ғояларини пухта ишлаб чиқилганлиги, тажриба-синов ишлари натижалари замонавий математик-статистик усуллар орқали аниқланганлиги, тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этилган таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.



### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Англия бадиий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганишнинг психологик ва педагогик муаммолари аниқланганлиги, асосий концептуал қоидалар, таърифлар, шарҳлар, таянч луғавий-тушунчавий аппарат, психологик аспектларнинг белгиланганлиги ва асосланганлиги, мезоний параметрларнинг ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Инглиз тилини ўқитиш методикаси”, “Англия бадиий мероси орқали талабаларда тил ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш”, “Инглиз тилини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш” каби дидактик таъминотнинг яратилганлиги, Англия бадиий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганиш технологияларининг такомиллашуви билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Англия бадиий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

Англия бадиий меросини ўрганишга қаратилган педагогик тизим, маданий эҳтиёж компонентларига оид таклифлар А1-КХ-1-60888 рақамли “Таълим олувчиларда ижодкорлик, янгилик яратиш ва касбий маҳоратга қизиқишни шакллантириш-баркамол авлодни тарбиялашнинг зарурий шарт-шароитлари” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва Ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-172-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида “Англия бадиий меросини ўрганиш орқали инглиз тилига қизиқишни ошириш тизими” ўқув курслари ташкил этилиши таянч докторантларнинг инглиз тилида сўзлашиш салоҳиятларини оширишга хизмат қилган;

инглиз тилини ўқитишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, Англия бадиий меросини ўрганиш бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар ташкил этиш, “Англиянинг бадиий мероси” ўқув курсига оид таклифлари олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига жорий этилган (Олий ва Ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-172-сонли маълумотномаси). Олий таълим муассасаларида мазкур аудиториядан ташқари машғулотларнинг ташкил этилиши талабаларда инглиз тилини эгаллаш самарадорлигининг ошириш имкониятини кенгайтирган;

Англия бадиий меросини ўрганишнинг луғавий-тушунчавий, билиш, бадиий идрок этиш, ифодалаш, амалий тажриба, ижтимоийлашув мезонлари, талабаларнинг инглиз тилини онгли қизиқиши ва коммуникатив фаолиятини шакллантириш, дидактик таъминотга оид таклиф ва тавсиялари асосида “Англия бадиий меросини ўрганиш орқали инглиз тилига қизиқишни ошириш тизими” ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва жорий этилган (Олий ва Ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-172-сонли маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришга имконият яратган.

талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини оширишда Англия бадий меросидан фойдаланиш босқичлари, инглиз бадий маданияти, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик тавсифига оид таклифларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг чет тили ўқитувчилари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ўқув ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва Ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 89-03-172-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув дастурлари чет тили ўқитувчиларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, узлуксиз равишда касбий маҳоратларини ривожлантириш ва малакаларини оширишларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та методик қўлланма, чет эл журналларида 6 та, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган илмий журналларда 14 та, конференция материаллари ва илмий-услубий тўпламларда 32 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг миллий ва хорижий педагогика назарияси ва амалиётидаги ҳолати, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ўзбекистон Республикасининг чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш бўйича давлат таълим сиёсати"** деб номланган биринчи бобида таълимнинг барча босқичларида хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганишни такомиллаштириш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил этилган бўлиб, унда инглиз тилини ўрганиш, шунингдек, маданиятшунослик мазмуни ва йўналишларини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларига бевосита тааллуқлидир.

Мазкур бобда «бадий мерос», «Англия маданияти», «санъатшуносликка оид ёндашув» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик талқин қилинган.

Ушбу бобда хорижий тилларни ўрганиш тизимида инглиз тилининг тутган ўрни, мамлакатимизда инглиз тилини такомиллаштириб ўқитиш борасида чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва амалга татбиқ этилишининг аҳамияти ёритилган. Инглиз тили маданий ривожланишни белгилаб берувчи муҳим алоқа воситаси эканлиги, уни универсал мулоқот тили сифатида билишнинг зарурияти асосланган. Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганишнинг: меъёрий, таълимий, педагогик, методик ва бошқа параметрларини такомиллаштириш, умумевропа ва халқаро стандартларга яқинлаштириш, маданий ёндашувнинг устувор йўналишларидан фойдаланиш аҳамияти ўз ифодасини топган. Мазкур бобда ОТМларда инглиз тилини мустақил ўрганишга қаратилган йўналишларнинг мавжуд ҳолати таҳлил этилган бўлиб, амалдаги ўқув адабиётлари, маълумотномалар ва визуал-тасвирий “маҳсулот”лар таҳлиллари ўз аксини топган. Ўқитувчиларнинг инглиз тилини ўзлаштирганлик даражаси, касбий компетенцияларининг ривожланганлиги, уларни баҳолаш тизими ҳақида фикр баён этилган. Муаллифлик нуқтаи назаридан инглиз тилида сифатли электрон веб-портални яратиш ғоялари келтирилган бўлиб, тил ўрганишни такомиллаштириш чора-тадбирлари таркибига хориж тажрибаларини татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, мазкур бобда инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар маданияти ва тарихини ўрганишга мўлжалланган инглиз тилини ўргатишнинг янги мазмундаги технологиялари ёритилган. Муаллиф ишда маданий-мамлакатшуносликка оид материалларга алоҳида диққат қаратиб, уларни инглиз тилини ўрганишда ҳамда таҳсил олувчиларнинг ижтимоий-маданий контекстда ўқув мулоқотлари учун зарур бўлган “фундаментал билим” сифатида тақдим қилишга муяссар бўлган. Тадқиқотда республикамизнинг педагогика ОТМларида инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган коммуникатив ва маданий компетенциялар моҳияти ўз ифодасини топган бўлиб, уларни ривожлантириш босқичлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Англия бадий меросини талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида Англия бадий мероси инглиз бадий маданиятининг муҳим асоси сифатида тақдим этилади. Англиянинг тасвирий санъат асарлари тавсифланади, XVIII асрдан XIX аср бошларига қадар яратилган Англия Маърифат ва Уйғониш даври асарлари, мўйқалам дурдоналари, расмлар, ҳайкалтарошлик асарлари, уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари ёритилади. Англиянинг бадий меросига муносиб ҳисса қўшган, жаҳон эътироф этган асарлар яратган буюк рассомларнинг ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинади.

Ушбу бобда бадий мерос фалсафа ва санъатшунослик аспектида тадқиқот мавзусига оид асосий тушунча сифатида талқин этилади. Ўрганилаётган даврга тааллуқли Англия бадий меросининг ўзига хос хусусиятлари умумлаштирилади. Шунингдек, мазкур бобда тадқиқот

доирасида тузилмавий ва ахборот тартиби келтирилиб, “Англия бадий мероси” мавзуси бўйича 24 академик соатга мўлжалланган аудиториядан ташқари машғулотларнинг хусусиятлари ва имкониятлари ёритиб берилган.

XVIII асрдан то XIX аср бошларига қадар Англия бадий мероси Уйғониш даврини шарафлаб, эстетик нафис, бадий юксак реалистик тенденцияга эгаллиги билан машҳур бўлган. Инглиз санъатининг ушбу даврига тегишли асарлар ва уларнинг ижодкорлари қизиқарли ва серкирра маълумотларни жамлаган ўзига хос мулоқот мавзуси ҳисобланади. Мазкур бобда Уйғониш даври Англия тасвирий санъатининг тавсифий обзори, унинг тур ва жанрлари, хусусан, рассомчилик санъати турлари - маиший, портрет, пейзаж, графикалар (бўёқсиз, чизиқлар ёрдамида ўйма нақш чизиш), атоқли рассомларнинг ҳайкаллари (махорат билан ишланган асарлари рўйхати билан) тақдим этилади. Хусусан, XVIII асрдан то XIX аср бошларига қадар шуҳрат қозонган машҳур рассомлар - Ван Дик, Холбайн, Рейнолдс, Гаинсбороугх, Тёрнер, Сонстабле, Хогартх; ҳайкалтарошлар Бекон, Банклар, Флаксман кабиларнинг ҳаётий ва ижодий фаолияти, Уйғониш даврининг бошқа атоқли инглиз рассомлари ва ҳайкалтарошлари асарларининг қисқача шарҳлари келтирилади, XVIII асрдан то XIX асрнинг биринчи ярмига қадар амал қилган Англия тасвирий санъатига оид асосий фикрлар тақдим этилади.

Шунингдек, Англия бадий меросини ўрганиш бўйича аудиториядан ташқари машғулотларнинг мазмуни, уларнинг тадқиқот муаммосини самарали ҳал этишдаги педагогик имкониятлари очиқ берилади. Тадқиқот доирасида чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган дастур (методик қўлланма билан бирга) илмий жиҳатдан асосланган талаблар асосида ишлаб чиқилган.

Педагогика ОТМларида аудиториядан ташқари “Англиянинг бадий мероси” мавзуси бўйича 24 академик соатга мўлжалланган машғулотлар дастурининг асосий бўлимларида янги авлодни тарбиялаш, хорижий тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш (инглиз тили) бўйича давлат таълим сиёсати, умумжаҳон ва миллий кадриятлар асосида талаба ёшларда маънавий эҳтиёж ва қизиқишларни ривожлантириш (кириш қисмида); инглиз тилининг дунёнинг аксарият давлатларида умумий алоқа воситаси, Англия бадий мероси; инглиз тили ва инглиз маданиятига оид билимларнинг аҳамияти (асосий қисмда); Англия бадий меросини ўрганиш жараёнида инглиз тилига фаол қизиқишни вужудга келтириш, Англия бадий меросини ўрганишда зарур бўлган таянч атамалар, тушунчалар ва категориялар (инглизча таржимаси билан) ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг "Англиянинг бадий меросини ўрганиш орқали талабаларда инглиз тилига қизиқишни оширишда аудиториядан ташқари ўқув машғулотларининг педагогик ва психологик асослари"** деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган муаммони ҳал қилишнинг психологик, педагогик ва назарий асослари ёритилади.

Мазкур бобда тадқиқот жараёнида ўрганилган ва ишлаб чиқилган жараённинг педагогик тизими тақдим этилган бўлиб, унинг мотивацион (I), ташкилий-педагогик (II), луғавий-ахборотли “муҳит”нинг ўзлаштирилиши

(III), тизимли топшириқлар, интеллектуал ва ижодий ишлар (IV), ижтимоий ва коммуникацион фаолият (V), инглиз тилида коммуникатив нутқий амалиётга асосланган машғулотлар тизими (VI), талабаларда барқарор қизиқишни фаоллаштириш, матн ёзиш ва таржима қилиш (VII), эгалланган билимларни ижтимоийлаштириш (талабалар жамоаси ва гуруҳларда; турли тадбирларда инглиз тилига қизиқишнинг ортиши) (VIII) каби босқичлари бўйича натижалари таҳлил этилган. Бобда асосий эътибор мотивацион, луғавий-тушунчавий, инглиз тилидаги маданий билимларга бўлган эҳтиёжни кучайтириш, санъат дурдоналарининг ғоявий ва бадиий таҳлили, ўз-ўзини ривожлантириш (маданият соҳасида инглиз тилида мулоқот қила олиш ҳақидаги билим, қизиқиш ва ижодкорлик) каби компонентларга қаратилади.

Муаммони ҳал этишда маданиятшунослик мазмунига мос методологик-педагогик, тизимли ёндашувлардан фойдаланилди. Талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини фаоллаштириш ва маданиятшуносликка оид билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжларини оширишга мўлжалланган машғулотларнинг технологик хусусиятлари ўрганилди ва технологик хариталари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида талабаларда креатив ва методик ижодкорлик, ишчанлик; интеллектуал ва ижодий фаолият сифатлари ривожлантирилди. Бунда дидактик тамойиллар: "истикболли қараш", танлов эркинлиги, билимларни амалий фаолият билан уйғунлаштириш кабилардан иборат бўлди. Жараёни оптималлаштирувчи омиллар таркибида: эмоционал (санъат асарларини ривожлантириш билан бирга); мотивацион (дарсдан ташқари фаолиятнинг мақсади ва йўналиши бўйича); мақсадни белгиловчи (мақсад белгилари, кутилган натижаларни юқорилиги); XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида Англиянинг бадиий мероси, ушбу давр инглиз санъати - инглиз маорифи, инглиз тилига қизиқишни кучайтириш, Англияда санъатнинг қайта уйғониши; психологик (талабаларнинг шахсияти, уларнинг ёши хусусиятлари, инглиз тилига қизиқиши, бадиий идрок этиш қобилияти, ўз-ўзини такомиллаштириш); ахборотли ўрганиш ("Англиянинг бадиий мероси" аудиториядан ташқари машғулотлар дастури билан боғлиқ); педагогик - назарий ва амалий; интеллектуал ва ижодий (талабаларга тақдим этилган вазифа, топшириқ ва тадбирлар); назарий ва амалий (назария ва амалиёт ўртасидаги алоқани аниқлаш) кўриб чиқилди. Талабаларнинг тарихий, назарий, бадиий ва таҳлилий билимларини интеллектуал ва ижодий ишларда, ижтимоий ва коммуникацион фаолиятда қўллашлари учун касбий ва шахсий ривожланишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муаммоларни оптимал ҳал этишнинг мотивацион, луғавий-ахборотли, Англия бадиий меросига қадриятли муносабат, ёрқин мисоллар асосида ижодий тафаккурни ўстириш, талабаларнинг олган билимлари, инглиз тилига қизиқишларини акс эттирадиган ижодий-креатив муносабатини қўллаб-қувватлаш ва эътироф этиш, уларга турли аниқ вазият ва шароитларда билим ва қизиқишларини қўллашга имконият яратиш шарт-шароитлари белгиланди.

Англия бадий меросини ўрганишнинг асосий мезонлари: мотивацион, луғавий-тушунчавий, билиш, бадий идрок этиш, ифодалаш, амалий тажриба, ўз-ўзини такомиллаштириш, ижтимоийлашувдан иборат.

Англия бадий меросини ўрганиш жараёнида талабаларнинг фаол қизиқишларига тегишли асосий мезонлар: онгли қизиқишнинг мавжуд бўлиши, муайян маданий шароитда инглиз тилига бўлган қизиқиш (чуқур, барқарор - эҳтиёжга айланган мойиллик)нинг мавжудлиги, топшириқ ва ишларни бажаришга нисбатан истак ва хоҳишнинг мавжудлиги, турли маданий мавзуларга йўналтирилган, жумладан, аниқ коммуникатив фаолият (таржима ишлари ёки мустақил равишда - сўзлар, атамалар, тушунчалар, иборалар, тасвирий санъат асарларига муносабат билдириш каби), хусусан, мини-матнлар туза олиш лаёқатига эга бўлиш кабиларни қамраб олади.

Шунингдек, мазкур бобда муаммонинг назарий ва амалий асослари: назарий-амалий концепция, тизимли ва мазмунли асос, технологик ёндашув, жараёнлар, шакллар ва усуллар, вазифалар, талабалар иши ва фаолияти, инглиз тилидан фойдаланишга оид семинарлар, методик кўрсатмалар, назарий ва амалий асосларнинг энг муҳим таркибий қисмлари келтирилади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқув қўлланмаларнинг самарадорлиги ва талабалар фаолиятини ташкил этишда қўлланиладиган усуллар, таркибида ўқув, интеллектуал-ижодий, таржима, ижтимоий-коммуникатив: ишонч, тушунтириш, йўллаш, намуна, тасвир, талаб, алгоритм, топшириқ, рағбатлантириш, фикр билдириш (ўзиники, ўқитувчини, жамоатчилик) кабиларнинг самарадорлик даражалари аниқланди.

Аниқ ўқув предметига оид усуллар: талабаларда инглиз тилига бўлган қизиқишнинг ортиши, уларнинг касбий-шахсий ривожланишида Англия бадий маданиятини ўрганишга қаратилган аудиториядан ташқари машғулотларнинг истиқболдаги имкониятларини очиб бериш; талабалар нутқини ўстириш, луғавий материалларни ўзлаштириш, уларни қайд этилган мезонлар билан таништириш ва унинг аҳамиятини англашлари; Англия бадий мероси ҳақидаги билимларни эгаллаш усуллари, бу жараёнда талабаларда инглиз тилига қизиқишни ошириш кабилардан фойдаланилди

Инновацион усуллар таркибида: инсайт, кластер, синквейн, кейс; лойиҳалаш, модул, моделлаштириш, алгоритмлаш, контекст, муаммоли вазият, ҳамкорлик, биргаликда яратиш ва иштирок этиш; "Оппонент доираси", "баҳсли доиравий мулоқот", ўз-ўзини лойиҳалаштириш, тренинглар, "ақлий хужум", ижтимоийлашув, ўз-ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини англаш, ўзини баҳолаш кабилар қўлланилди. Айниқса, Англия бадий мероси ҳақида маълумотларни эгаллашда: визуал-тасвирий, бадий идрок, амалий, шунингдек қисман қидириш ва мини-тадқиқотлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Аудиториядан ташқари машғулотларда инглиз тилига қизиқишни кучайтириш жараёни”** деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижалари, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган аудиториядан

ташқари машғулотлар тизими, педагогик жараён, унинг технологияси, натижалари кўриб чиқилди ва умумлаштирилди. Тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур бобда педагогик тизим бўйича: Англия маданияти, бадиий мерос, талабаларнинг инглиз тилига бўлган дастлабки қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда, изчил ва тизимли равишда, босқичма-босқич таҳлил этилиб, “Англия бадиий мероси” аудиториядан ташқари машғулотларининг муаллифлик дастури (тажриба ва назорат гуруҳларида) тажриба-синов ишларининг амалга оширилганлиги ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу бобда “Ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш бўйича давлат таълим сиёсати, чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш”, “Ўзбекистонда инглиз тили”, “Англия бадиий мероси – XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги тасвирий санъатга оид дурдона асарлар: тасвирий санъат, чизмачилик, ҳайкалтарошлик намуналари (инглиз тилини ўрганишга йўналтирган ҳолда), “Инглиз тилига қизиқишни шакллантириш орқали назарий ва амалий, таржимонлик, ижтимоий-коммуникацион тажрибани эгаллаш” каби асосий мавзуларда ташкил этилган тажриба-синов машғулотлари ўз ифодасини топган.

Ушбу бобда талабаларнинг лингводидактик ва таржима қилишга оид топшириқларни бажариш динамикаси таҳлил этилиб, уларнинг Англия бадиий маданияти, бадиий меросини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибавий дарс фрагментлари келтирилган.

XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмидаги инглиз рассомчилик, чизмачилик, ҳайкалтарошлик буюмлари ҳақида қисқача маълумотлар, фикр ва хулосалар, мазкур даврнинг энг атоқли рассомлари ҳақида талабалар ишлаб чиққан кичик фикрномалар тақдим этилган.

XVIII-XIX асрнинг энг буюк санъаткорлари асарларини инглиз тилига таржима қилишда қўл келувчи сўзлар, ифодалар, сўзлар, жумлалар тақдим этилиб, ушбу асрга тегишли Англия тасвирий санъати асарлари (инглиз тилига ихтиёрий таржима)нинг бадиий хусусиятлари ёритилди.

Ишнинг тўртинчи бобида тадқиқот доирасида “Инглиз элчихонаси қабулида” (“Голбейн” сурати олдидаги суҳбат), “Англия фирмаси президенти ҳузурида” (офисга киришда Констебл асари ҳақида жавоб), “Инглиз тасвирий санъат кўргазмасида”, “Лондонда: Британия бадиий музейини қидириб топиш”, “Китоб дўконида” (Англияда тасвирий санъат асарлари бўйича китобларни танлаш), “Инглиз тасвирий санъати ҳақида талабалар билан суҳбат” каби технологиялар ўз ифодасини топган. Шунингдек, мазкур бобда экспериментал ишнинг босқичли миқдорий ва сифатли натижалари кўрсатилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалдан маълум бўлишича, экспериментал гуруҳларда асосий босқичма-босқич критик натижалар экспериментал гуруҳлардаги натижаларнинг босқичма-босқич динамикаси (назорат гуруҳлари билан таққосланганда) сезиларли даражада ўсди (1, 2, 3-расмларга қаранг)


1-жадвал

Англия бадий меросининг ўрганиш бўйича босқичма-босқич тажриба-синов натижалари (фоиз ҳисобида)

Тажриба гуруҳида - 150 талаба; назорат гуруҳида - 150 талаба

Мезонлар	Тажриба гуруҳи - 150 талаба						Назорат гуруҳи - 150 талаба					
	Босқичлар											
	Дастлаб	I. босқич - мотивасион	I.I. босқич - билимга асосланган	III босқич - практика	IV босқичи - ўзини такомиллаштириш	V босқич - ижтимоий-коммуникатив	Дастлаб	I. босқич - мотивасион	I.I. босқич - билимга асосланган	III босқич - практика	IV босқичи - ўзини такомиллаштириш	V босқич - ижтимоий-коммуникатив
I. Талабаларга Англия бадий меросини ўрганишнинг роли, аҳамияти ва заруриятини англантиш, уларнинг инглиз тилига нисбатан қизиқишларини кучайтириш.	10	60	92	95	96	97	8	32	44	48	49	52
II. XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмига тегишли Англия бадий меросини билиш: 1. Сўров 2. Тасвирий санъат: а) умумий б) ижодий мерос	22	28	72	80	83	84	28	29	32	36	39	40
	-	-	81	84	85	89	-	-	36	39	39	40
	-	-	84	89	91	92	-	-	39	40	43	44
	-	-	80	84	87	92	-	-	33	36	37	40
III. Буюк рассомларнинг ҳаёти ва ижодини билиш, Англияни бадий меросини ўрганиш жараёнида инглиз тилига қизиқишнинг намоён бўлиши. 1. Фаол ва доимий. Мунтазам	- 40	72 28	87 15	91 10	92 8	96 4	- 44	28 40	32 36	39 32	40 31	41 48
IV. Ўз-ўзини ривожлантириш	23	36	44	64	72	80	22	27	28	29	32	32
V. Англиянинг бадий меросига оид билимларни ижтимоийлаштириш ва уларнинг инглиз тилига қизиқишларини фаоллаштириш	-	40	61	70	83	100	-	22	39	40	43	44







**1-расм. Тажриба гуруҳларидан олинган босқичма-босқич натижалар.**

Тажриба гуруҳларида инглиз тилига қизиқишни кучайтириш ишлаб чиқилган асосий мезонлар бўйича талабаларнинг ижобий натижаларга эришганликларини кўрсатди. Бунда тажриба гуруҳи талабалари Англия бадий мероси ва инглиз тилидан фойдаланишга бўлган фаол муносабатни ҳам кўрсата олдилар.

**Тажриба-синов натижасида талабалар ижтимоий фаоллигининг ўсиш динамикаси**



2- расм. Ижтимоий фаолият.



3-расм. Ижтимоий фаолият.



**Тажриба гуруҳлари талабалари. Назорат гуруҳлари талабалари**  
Тадқиқот натижаларини самарали таҳлил қилиш учун статистик услублар қўлланилди. Талабаларнинг ишлаш даражаси асосий мезонлар ва даражалар (паст, ўрта, юқори) бўйича аниқланди. Тажриба-синов ишларида жами 300 нафар талаба, шундан 150 нафари назорат гуруҳида, 150 нафари эса тажриба гуруҳида иштирок этди.

2-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳи талабаларининг тажриба-синов аввалида ва якунида эришган натижалари**

Тажриба босқичлари	Гуруҳлар	Талабалар сони	Жорий этиш даражаси		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба-синов гуруҳи	150	32	48	70
	Назорат гуруҳи	150	42	48	60
Тажрибадан кейин	Тажриба-синов гуруҳи	150	126	22	2
	Назорат гуруҳи	150	32	56	62

Юқоридаги жадвалга мос диаграммалар қуйидагилардан иборат:



4-расм. Талабалар қизиқишининг ривожланганлик даражаси диаграммаси.

